

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



X. МАМАТҚУЛОВ сурати

НАВРЎЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

16 апрель куни Мирзо Улугбек туманидаги “Охунбобоев” номли маҳаллада “Наврўз” тантаналари бўлиб ўтди. Байрамда мингдан зиёд, ҳар хил миллат кишилари иштирок этди. 60 кило гуручдан ош дамланди ва бошқа ҳар хил пишириқлар тайёрлашиб дастурхонни безадилар. Хурсандчилик, байрам кайфияти кун бўйи одамларни тарк этмади. Яна бир эътиборли томони шундаки, бундан бироз вақт олдин “Ватан” ва “Охунбобоев” маҳаллалари қўшилиб, битта маҳаллага айлантирилганди. “Наврўз” тантаналари бу маҳаллани янада жипслаштирди.

Байрамнинг хуп кайфиятда ўтишига хонанда, раққосалар муносиб ҳисса қўйдилар. Таниқли хонанда Хайрулла Лутфуллаевнинг чиқиши кўпчиликка манзур бўлди. Маҳалладаги ботча болалари тайёрлаган байрам дастури ҳам одамларда қизиқиш уйғотди. “Наврўз”га бағишлаб чиқарилган “Маҳалла ҳақиқати” деворий газети юқори баҳоланди.

“Соғлом авлод учун” жамғармаси раисаси Гулнора Йўлдошева байрамда қатнашиб, жамғарма ҳисобидан 20 та ночор оилага кийим-кечак, 4 ярим минг долларлик ногиронлар араваси тақдим этди.

Байрамда иштирок этган республика Маҳалла қўмитасининг раиси “Соғлом авлод учун” ордени нишондори Шукрулло Темиров шундай тантанани уюштиргани учун маҳалла фаолларига миннатдорчилик билдирди.

X. АЗИМОВ,

“Охунбобоев” маҳалла қўмитаси раиси муовини

УШБУ СОНДА:

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА:

«Қабрингда тинч ёт онаси»

4-бет

Шоира КАМОЛИДИНОВА:

«Дилингда гар Муҳаббат йўқ...»

6-бет

Фалакнинг гардиши

7-бет



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Аҳмаджон ҚОСИМОВ:

Илонлар дунёси

Юсуф ХУДОЙҚУЛ:

«Инсоний руҳ кимга насиб этади»

Кенжа БЕГЖОНОВ:

Отажон Худойшукуров билан суҳбат

Акс-садо

“БИЗ УЧУН КЕЧИРИНГ, КУЁВ“

Ушбу мактубимни езишимга рўзномангизнинг 1994 йил 4-сонидagi “Биз учун кечиринг, куёв” номи мақола сабаб бўлди. Ростини айтсам, ота-онага ҳам қийин. Уғил ўстириб, қиз чиқариб, келин олиб энди ҳузур-ҳаловатини кўраман деганда, кўйиб қолишдан ёмони йўқ.

Маҳлиёхон келинлик номига доғ тушириб, ота-она, сингилларининг юзини ерга қаратди. Масаланинг мени ажаблайтирган бир томони шундаки, назотки қизнинг шу одатларини билган билим юрти ходимлари бефарқ қарашган, уни ўртага олиб насиҳат қилмаган? Нима ҳам дердик, бўлар иш бўлиб ўтди. Энди ниятим уни билган-кўрган қизлар, сингилларимиз синхор бу одатни қилмасинлар, бу йўлдан юрмасинлар...

Хурматли...! Мен сизнинг номингизни билмайман. Шунинг учун сизга хурматли деб мурожаат қиламан.

Тўғри, инсон ўзидан ўтганини ўзи билади. Аммо бир қизни кўриб, ҳамма қизлар шундай деб ўйлаш тўғри эмас.

ДИЛОРОМ, Тошкент шаҳри

ХУРМАТЛИ...! Мен сизни ҳасрат тўла мактубингизни ўқиб, ростини ўзини йўқдан тупоқладим.

Маҳлиё ўз оиласига, ўлан-тўшагига кўз олайтирибдими, ўз бахтини барбод қилгани. Эсиз, унга аёл деган ном.

Хурматли...! Ҳеч кўйинманг, аввало ҳар қандай инсон ҳам адашиши мумкин. Айниқса турмуш масаласида. Маҳлиёхон, яъни турмуш ўртоғингиз эса гам чекишга арзимайди. Мени айтди дерсиз, бундан кейин оила қурсангиз, албатта бахтли бўлиб кетасиз. Чунки сизда айб йўқ. Сиздек продали, тушунган, сабр-тоқатли йигитлар кам туғилади.

Дано **ҲОЖИБОЕВА,**
Қашқадарё вилояти

Афсуслар бўлсинки, мен ҳам аёл зотига ишонмайман. Уларга қандай ҳам ишонай. Мен ҳам ўша Маҳлиё каби аядоқчининг қурбони бўлган бўлсам.

Уйланганидан кейин бир йил

ўтиб касалхонага тушиб қолдим. Хотиним мени кўрган кунора келар эди. Мен бўлсам унга бундай иссиқда қўлда бола билан қийналиб ҳар кун келаверма дер эдим. Ушанда у сизиз зерикиб кетялман... уйда, деган гапларни айтар эди.

Афсус, мен бор-йўғи 28 кун касалхонада даволанган кунларда хотиним менга хизнат қилган экан. Буни кейинроқ билдим. Мақолани ўқиб яна ўша ўтган кунлар ёдимга тушиб кетди. Аёллардан яна кўнглим қолди.

Бу ишончсизлигим учун ҳали турмушга чиқмаган ҳаёли сингилларим, кимнингдир хизнатидан алданиб кўзида еш билан юрган она-сингилларим, тендошларим, ҳали ўз бахтини, кўнглидаги инсонни толаман деб ишонч билан яшаётган елғиз аёллардан узр сўрайман.

Маҳлиёни турмуш ўртоғинга (исми езилмаган) маслаҳатим: йигитнинг боши омон, лафзи ҳалол, дидлати бор бўлса, у бахтини эртаки-кеч, барибир топади.

БАҲРОМ,
Андижон шаҳри

ЕТТИ КУН

ТАЖРИБАСИЗЛИГИ ПАНД БЕРДИ

“Чорсу” бозорига ул-бул харид қилгани келган аёлнинг ҳамёнидан 200 минг сўм-купонни ими-жимиди ўмараетган кинсавер қўлга тушди. Тергов ишларидан маълум бўлдики, ўғри Тошкентдаги мактаблардан бирида ўқиркан.

ЮРАГИ “УРМАЁТГАН” ЙИГИТ

Нима гап бўлди-ю, Нишон туман босмахонаси ҳисобчиси Норпўлат Элбоевнинг юраги урмаётганлиги маълум бўлиб қолди. Шойиб қолган босмахона ходимлари ҳисобчининг “хай-хай” лашига қарамай, “Тез ёрдам” чақирди. Зудлик билан етиб келган дўхтир ҳам Норпўлатнинг юраги урмаётганлигини тасдиқлади.

Ҳисобчи йигит Норпўлат билан боғлиқ гаройиботнинг “сири” шунда эдики, унинг юраги кўкрагининг ўнг томонида жойлашган экан. Буни, бундай ҳола илгари ҳеч дуч келмаганлиги сабабли эсанкираб қолган дўхтирга “қахрамон”нинг ўзи секингина шип-шиб кўйди.

СИНАЛМАГАН ОТНИНГ СИРТИДАН ЎТМАНГ

1933 йилда туғилган А. Н. исми шахс 1962 йилда туғилган бир йигит билан “хангомаси соз” чиқиб қолди. Иккови дўст гутини-шиб, А. Н.нинг хонадонига танишгандикларини “ювиш”га келишди. Аммо, чой-пондан сўнг меҳмоннинг феъли айниб қолди. “Дўст” никобидаги жиноятчи, уй эгасига пичоқ ўқталиб, унинг 2 та телевизор, 33 минг сўм-купон ва бир неча хил билдур буюмларини “шилиб” кетди.

ТҮЙ БҮЛДИ

Чилонзор туман 4-мавзеида яшовчи Абдуллаевлар хонадонига катта тўй бўлди. Аниқроғи шулки, Низомиддин Абдуллаев оиласи шу вақтгача бир хонали уйда етти жон яшаётган эди. Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва туман ҳокимлиги фаолияти тўғрисида бу оилга 2 хонали уй берилди.

КУППА-КУНДУЗИ

Чилонзор тумани жиноят-қидирув бўлими ходимлари 1974 йилда туғилган бир йигитчани қўлга олдилар. Эътиборни тортадиган томони шуки, унинг ёнидан 1963 йилда ишлаб чиқарилган 28 калибри қирқма милтик топилди.

КАМПИР САҲОВАТ КЎРСАТДИ

Богот туманидаги “Тошкент” жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи Авазжон момо Қизил Яримой жамияти ҳисобига ўз жамғармасидан 100 минг сўм-купон топширди. Нафақада бўлишига қарамадан товуқ асраб, сигир парваришлаб қуйманиб юрадиган момо бу пулни колхозга сотган сўтидан сўмма-сўм тўплаган экан.

ОНАСИ УЧУН... ОЛТИ МИЛЛИОН

Урганч шаҳрида мудҳиш қотиллик содир бўлди. Муҳаммад Бекжонов исми муртад эллик олти яшар онаси Шодмон Бойжонова билан отасидан мерос “ГАЗ-24” енгил машинаси устида келиша олмай қоладилар. Оқибатда ўғил онасидан кўнглиш йўлини излайди ва Рустам деган йигитни олти миллион эвазига қотилликка кўндиради. Қотилликдан воқиф бўлиб қолган хотини ҳам гувоҳ сифатида гумдон қилинади.

Онасини, хотинини йўқотиб, машинани сотиб, маишат қилмоқчи бўлган ўғил ва унинг оғайниси тегишли жазосини олдилар.

СУРАЙЁХОНГА СОВҒАЛАР

Хоразм вилоят болалар жамғармаси раиси Р. Отамуродов яқинда ўн икки яшар қизалоқ Сурайё Ҳожиёва хонадонини йўқлаб борди. Жамғарма номидан қимматбаҳо совға-салом топширди.

Сурайёхон онасидан вақтли етим қолди, отаси эса бошқа оила кўрди. Қизалокни бобоси Исмоилжон ота тарбияламоқда. Етим кизчани онаси бир вақтлар хизмат қилган Урганч шаҳарлараро алоқа уйи маъмурияти ҳам унутгани йўқ.

Ўз мухбирларимиз ва ИИБ матбуот маркази хабарлари асосида тайёрланди.



Б. КАМОЛОВ сурати

БОЛА — ОИЛА КЎЗГУСИ

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Қандай аломатлар одамнинг бахтли эканидан хабар беради?

Донишманд айтди:

— Ҳалол меҳнат, сахийлик, ғайрат, очиқ юзлик ва ширин сўзлик бахтли одам аломатларидир.

Яна ундан сўрадилар:

— Чакки йўлда юрган тарбиясиз фарзанд нимага ўхшайди?

Донишманд айтди:

— Бундай фарзанд ортиқча ўсган бармоққа ўхшайди. Уни кесиб ташламоқчи бўлсанг, оғрийди, ўз жойида қолдирсанг, бедаво бўлиб тураверади. Қиссадан ҳисса шуки, энг аввало фарзанд келажаги ва тақдири учун ҳар бир ота-она ўзини жавобгар

ҳис қилмоғи ва оилада шахсий намуна кўрсатиши лозим. Одатда боланинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига қараб ота-онасига баҳо беришади. Одобли, тарбияли болани кўрган кишилар, шу боисдан ҳам ота-онанга раҳмат дейишади.

Шахсининг шаклланиши гўдаклигидан бошланади албатта. Шунинг учун ҳам инсон характерининг таркиби топишида, тўғри тарбияланишида оиланинг роли, ота-онанинг таъсири бениҳоя катта. Демак, инсоннинг онани бўлиб камол топишида боғча, мактаб, олий ўқув юртилари маълум бир восита ролини ўйнайди, холос. Шунингдек, одам ўзлигининг шаклланишида кўпроқ ташқи муҳит, еру дўстлар, таниш-

билишларнинг ҳам таъсири катта бўлади.

Машхур файласуф олим Афлотун олдида бир аёл уч кунлик боласини олиб келиб, фарзандимни тарбиялашни қачондан бошласак экан, деб маслаҳат сўраганда, донишманд сиз болани тарбиялашга роппа-росса уч кун кечикибсиз дегандай, биз ҳам ҳозирги ёшларимизни тарбиясизга панжа остидан қараб, уларни тўғри йўлга солишда анча оқсоқланиб қолдик. Энди бу ишга астойдил киришишимиз ва ёшлар тарбиясини ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчига айлантиришимиз шарт.

Тошкент давлат университети хорижий филология факултетига, шаҳарда яшовчи талабала-

римизнинг ота-оналари билан факултет маъмурияти, ўқитувчилари, ўртасида бўлиб ўтган учрашувда ана шу муаммолар ҳақида фикр алмашилди. Ота-оналар ўзини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишиб фарзандларининг хулқи тўғрисида кўпроқ маълумот олишга интилса, факултет маъмуриятю профессор-ўқитувчилар ўзларини қийнаб келаётган дардларини йиғилганларга ётиги билан тушунтирди. Барча эзгу-мақсадлар, баҳс мунозараларнинг моҳияти ёшлар

тарбиясидаги айрим салбий томонлар, уларнинг оилада ниҳоятда талтайтириб-эркалатиб юборишга йўл қўймастик, ўқишга кетиб, кенгача нима иш билан шуғулланиши ота-она томонидан назорат қилинмаслигига чек қўйишга қаратилди.

Факултет маъмурияти ва мураббийлар томонидан билдирилган фикрларга ота-оналар ҳам қўшилган ҳолда бола тарбиясига оид тажрибаларни ўртоқлашдилар.

Ш. ИМЯМИНОВА

Она Шер ҳайвонот боғида, йўгон темир панжаралар билан ўралган қафасда яшаркан. У оғир ва сап-сариқ гавдасини лорсиллатиб, қафас ичида у ёқдан-бу ёққа бориб келар, гоҳ эса катта, ёлдор бошини осилтириб, одамларга термилиб ўтираркан.

Она Шер жуда зерикар, бетоқат бўлар, тутқунликда яшашга ҳеч кўниқолмас экан. Она Шернинг кўнгил юпанчи, кўзининг оқуқораси, ўғли Шербачча экан. Фарзанди унинг эзилган дилига қувонч бахш этар, яшашга умид уйғотар экан.

Она Шер ўғли билан овунар, ёлғиз жигарбандининг кундан-кунга улғаяётганини кўриб, ич-ичидан севинаркан.

Аммо Шербачча тушмагур ўта дангаса, лоқайд экан.

Мана, аллақачон кун ёришиб, ҳайвонот боғида ҳаёт жонланган, ҳаммаёқ одамларнинг қий-чувиға тўлган... Шербачча эса ҳамон қафас ўртасида мушукболадай пишиллаб ухлаб ётаркан.

Она Шер ёлғиз боласидан кўз узмас, уни меҳр билан яларкан:

— Арслоним, турмайсанми?— дебди.

Шербачча мудроқ кўзларини очиб, оёқларини ёзиб, керишибди.

— Ойи, ухлагани кўясизми, йўқми?— ириллабди Шербачча.

Она Шернинг бирдан авзойи ўзгариб жаҳли чиқиб кетибди, ёлдор юнглири хурпайибди-да:

— Бунча дангасасан?— деб уришиб берибди.

Шербачча оёқларининг кўрқинчли важоҳатини кўриб, ўрнидан сапчиб

турибди. Она Шернинг биқинига кириб суйкалана бошлабди.

— Ойижон, нега бекордан-бекорга жаҳлингиз чиқяпти? Ахир турганим билан нима қиламан, бирон иш-пиш бўлмаса...

— Доим аҳволинг шу, ухлаганинг-ухлаган, бунча гафлат бўлмасанг, болам? Сеннинг ҳолингга ачинаман.

Шербачча ажабланиб, онасига

— Тайёр ин, тайёр овқат, нима бўпти, яшайвераман-да!— дебди Шербачча одатдагидай бепарволик билан.

Она Шер ўғлидан бу гапни сира кутмаган экан, газабланиб, кўзлари ёнибди, думини гурсиллатиб ерга урибди.

— Сен Шербачча эмас, латтасан! Ким айтади сени ҳайвонларнинг энг

оқшомлари яйрар, қоронғуда темир панжаралар ҳам кўзидан чекингандай бўлар, жимжит сукунат кўйида ўзини эркин тутар, салқин ҳаводан тўйиб нафас оларкан... Эҳ-е, кеч бўлишига ҳали қанча бор?

Она Шер ҳарсиллаб, қафас ичида тинимсиз айланавергач, ниҳоят чарчабди, шаштидан тушиб ўғлининг ёнига чўкибди. У панжаси билан жигарбандининг бўйидаги ёлларини силабди:

— Болагинам, сен кўзимнинг оқу қораси, ёлғизимсан, юракдаги дардимни сенга айтмасам, кимга айтаман? Сен — менинг ишонган тоғимсан. Арслоним, ёш эмассан, ақлингни ишлат.

Шербачча оёқларининг гапларига ҳеч тушунмас, "ахир тинчгина яшаймиз, бизга яна нима керак?" деб ўйларкан.

Она Шер кўзларини юмиб бир зум хаёлга чўмибди. Тасавурида ям-яшил ўрмонлар, чексиз-чегарасиз адирлар, тубсиз даралар, гоз ва ўрдаклар шовқинига тўлган қалин тўқайзор, мовий осмонга туташиб кетган тик қоялар намоён бўлибди. Дарё томондан эсган шамол қамишларни беозор шитирлатиб ўйнаркан. У озод ва бахтиёр экан. Ота Шер жарлардан тикка сакраб ўтиб ёнида пайдо бўлар, келтирган ўлжасини Она Шернинг оёқлари остига ташларкан.

Она Шер ширин хаёлларга ҳеч кўйиб бошини кўтарибди.

— Отам раҳматли қандоқ эди,— кўзларига ёш олибди Она Шер.

Она Шер сўзлар, Шербачча эса қоринини тўйгазибди-да, ерга узала тушиб ётиб олиб, мудрай бошлабди.

Рауф ТОЛИБ

ШЕР БОЛА

ЭРТАК

қарабди, панжаси билан бошини қашиб:

— Гапларингизга сира тушунмаяпман, ойи. Ахир устим бут, қорним тўқ бўлса...

Она Шер унинг гапини шартта бўлибди:

— Номаёқул бузоқнинг гўштини ебсан. Тайёрга айёр!

Она Шер ўғлининг мулойим кўзларига, озғин гавдасига ҳаракатсизликдан ўсмаган панжаларига бир-бир назар ташлабди.

— Болам, мен ҳам қариб қолаяпман. Аввалги куч-қувватим йўқ, кўзларим хира торган. Ҳадеб ётаверганимдан оёқларим увишиб, зирқираб оғриди. Ишқилиб, бир кун оёқ-қўлларимни чўзиб, ўлиб қолмасам, деб кўрқаман. Менсиз кунинг қандоқ кечаркин-а?— оҳ тортибди Она Шер.

кучли паҳлавони, деб?

— Ахир мендан нима истайсиз?— дебди кўзларини жавдиратиб Шербачча.

Она Шер оғир қадам ташлаб, қафас ичида бетоқат юрар, ўткир тишларини кўрсатиб даҳшатли ириллар, тантиқ Шербаччани ерга таппа босиб, ғажиб ташлагудай важоҳатда: Нахотки, бир умр қафасда тутқун бўлиб яшамоқчисан?— дея ирилларкан.

Она Шер ўз аҳволини кузатаётган одамларга нафрат билан қарар, "тоқай одамларга томоша бўлиб яшаймиз", деб ўйларкан. Айниқса, қўшни қафасдаги маймунлар уни масхара қилиб, афтларини бужмайтиришганда, она Шер ҳеч чидай олмас, тишларини гижирлатиб, ўкириб юбораркан.

Она Шер одамларнинг оёғи узилиб, тезроқ кеч тушишини кутаркан. У

БИЛИМДОН

Қани укам, Соливой
Билимдонсан, ҳойнаҳой.
Топ, ишлатиб мияни
Картадан Англияни.

"Хўп бўлади, ака" деб,
Картага қарар ҳадеб,
Терга ботган Соливой
Тополмасдан ҳоли вой.

Роса қидириб қайтди,
Сўнгра фикрини айтди:
"Картани чизган одам
Уни чиқарган ёлдан".

Азамат СУЮНОВ

КЎЗБОЙЛОҒИЧ

Танаффусда ҳар кун
Кўзбойлоғич ўйнаймиз.
— Сен бошла,— деб аълочи
Алини ҳеч қўймаймиз.

Али юмса кўзини
Сумкасин очиб аста,
Ечилган уй ишини
Кўчирамиз бир пасда.

Ихром ИСКАНДАР

Ануарбек ДУЙСЕНБИЕВ,
қозоқ шоири

АФАНДИНИНГ БАХТИ (халқдан)

Эшагини йўқотдим,— деб
Ҳар иккита сўзида,
Севинч ўйнаб, қувонч кулар
Афандининг кўзида.
Одамлар дол: — Уловингдан
Айрилган бўлсанг, ҳой,
Нега ранжу алам чекмай,
Қувонаяпсан, нодонвой!
Насриддин дер: — Эшагимга
Минмай қилибман тўғри.
Йўқса олиб кетар эди
Мени ҳам ўша ўғри...
Абдурахмон АКБАР таржимаси

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Чархчи чархпалакни чароғон чорбоғда чарс-чурс чархлаб чарчади.

Асагаричи Асрорнинг асали асахалик Асаднинг асалидан асил.

Сайёр сайёҳ сайлгоҳ сайҳонида сайр қилди.

Ф. ОРИПОВ



Жўра БОБОРАҲМАТ сурати.

«Оила ва жамият» 14 (137)



доллар сарфланди. Анжомларнинг кўпи хориждан келтирилган.

— «Туркистон»нинг бошқа саройлардан, айтайлик, Халқлар дўстлиги саройидан фарқи томонлари ҳам борми?

— «Туркистон»ни ҳам сарой, ҳам театр деб аташ мумкин. Кўп эмас, 900 кишига мўлжалланган, шинам, файзли. Биз сахна-лаштирадиган баъзи тадбирларни, масалан, ўша Халқлар дўстлиги саройида ўтказолмайсиз. Достоннинг (Д. Убайдуллаев) мучал тўйини ўтказдик. Жуда чиройли бўлди, болалар ҳам, катталар ҳам бирдек иш-

ўтгандан кейин, Рустам Илёсов «Ялла»да ўрнингизни босаётган эди, чоғи!

— Яширмайман, Рустамнинг кетиши биз учун катта йўқотиш бўлди. Чунки унинг гуруҳимизда жуда билинарлик ўрни бор эди. На илож, йўқлигини билдирмай, ишлашда давом этаймиз, «Ялла» тарқаб кетгани йўқ.

— Хафа бўлманг-у, ижодларингиз номига бўлаётгандай. Анчадан бери янги кўшиқлар айтмайсизлар, борлари ҳам арабча, эронча...

— Тўғри, гуруҳимизнинг ижодий мароми пасайган. Бунинг маълум сабаблари бор. Бироқ, йигитларда ҳам, менда ҳам сахнани тарк этиш нияти йўқ. Хали куч-қувватимиз етарли. Кўп ўтмай «Ялла»нинг чорак асрлик тўйи бўлади. Худо хоҳласа, янги

«Грэмми», «Овация» каби мукофотларни татбиқ этиш учун сиз, журналистларнинг ёрдами зарур. Газет-журналларда, радио, ойнаи жаҳонда сиз айтган «хит-парад»лар ўтказилса, йилнинг оммавий кўшиқлари, муваффақиятга эришган хонанда, бастакорлари аниқланса, жуда соз бўларди.

— Акангиз — марҳум Ботир Зокиров серқирра инсон эдилар. Хонанда, бастакор, мусаввир, ёзувчи... Сиз ҳам бадий ижоднинг бирор тури билан шуғулланасизми?

— Афсуски, йўқ. Фақат кўшиқ айтаман, куй басталайман. Лекин шоирларни, умуман қалам аҳлини жуда ҳурмат қиламан, устоз даражасида кўраман, маслаҳатларини олиб тураман.

— Обиджон Асомов тўрт-беш

— Фаррух ака, «Туркистон» саройи бош директори этиб тайинланганингизга ҳам анча бўлиб қолди. Бу лавозимда ўзингизни қандай ҳис этайсиз?

— Деярли йигирма йил «Ялла»га етакчилик қилган бўлсамда, янги ишни бошлаб кетиш бирмунча қийин бўлди. Эстрада гуруҳига бошчилик қайда-ю, катта бир саройнинг раҳбарлиги қайда? Ташвиш устига ташвиш кўшилди — яхши маънода.

«Туркистон» халқимиз учун ажойиб совға бўлди. Сарой ўзининг жиҳозланиши жиҳатидан нафақат Марказий, балки бутун Осиёда ҳам яққа-ю яғона десам мўболағага йўманг. Махсус асбоб-ускуналар сотиб олиш учун бир ярим миллион

САХНАНИ ТАРК ЭТИШ НИЯТИМ ЙЎҚ



тирок этишди. Обиджон Асомовнинг спектакл-томошалари, Хайрулла Саъдиевнинг ижодий кечаси, хуллас санасак, рўйхати узун.

— Рустам Илёсов Америкага кетибди деган миш-мишлар эшитдим!

— Миш-миш эмас, ҳақиқат. Рустамнинг кетганига тўрт-беш ойлар бўлиб қолди.

— «Ялла»нинг тақдири нима бўлади унда? Сиз бу ёққа ишга

дастуримизни шу байрамда намойиш этамиз.

— Чет элларда мусиқа аҳли учун «Грэмми», «Овация» каби мукофотлар мавжуд, мунтазам равишда «хит-парад» (оммавий кўшиқлар танлови)лар ўтказилади. Бизда негадир шу нарса ривожланмаган.

— Санъаткор-ширин сўз гадоси. Бошини силаб, гамхўрлик қилсангиз, юз чандон ортиғи билан қайтаради.

санъаткорни санаб, «даврамиз бор» деб мақтанганиди. Сиз ҳам шундай давраларда қатнашасизми?

— «Гап»ейсизми? демоқчисиз-да? Албатта, ким бундан қочади?! Синфдошлар билан йиғилишимиз бор, яна баъзи кўнгилга яқин биродарлар билан ҳам учрашиб тураемиз. Фақат улар санъат аҳли эмас. Орасида меъмори ҳам, савдо ходими ҳам бор.

АЗИЗ СУХБАТЛАШДИ

КАБРИНГДА ТИНЧ ЁТ ОНАСИ

Бола онасини излаб, тамшаниб, ўзини у еқ-бу ёққа ура бошлади. Умарали аканинг кўнгли бузилиб кетди. Бешикнинг бош томонида турган сўргични олиб, кичкинтойнинг озгига солди. Қалеганда юланавермагач, алла айтмоқчи, бўлди, лекин овози чиқмади. Томоғига бир нарса тикилиб, кўзида еш айланди.

Катта қизи Салимаҳон билан чақалоқни бир амаллаб бешикка белаб ухлатишди. Қизлари мунғайбгина ҳар ер-ҳар ерда етиб қолишди. Ухлаб қолган чақалоқни бешиги билан бир чеккага қўйиб, болаларини жой-жойига ётқизди. Ўрнидан кўзгатишганини сезган кичкинтой яна йиғлай бошлади. Умарали ака ҳалигина сут қайнатиб, идишга қўйиб қўйганини эслади. Ошхонага кириб, дарров илтиб чиқди. Бешикни енбошлатиб, чақалоққа сутни бера бошлади. Тамшаниб сут ичаётган боласига қараб, ич-ичидан ачинаш туйди.

Гўдак экан-да, иложсиз шу сутга ҳам ўрганди. Хаелида хотини Ҳалимаҳон гавдаланди: «Дадаси, сизни ҳам қийнаб қўйдим, болаларим ҳали еш эди. Ҳайитхонимни йўлга юргизсам ҳам бир нави экан. Энди болаларимнинг бахтига сиз сог бўлинг!», — дегандак туюлди. Атрофига аланглади, худди енгинасида тургандек...

Қараса, ҳали ҳам бешикни тебратипи, бола аллақачон ухлаб қолган. Шундагина туриб ичкари уйга кирди. Жомадонни тик-килаб, Ҳалимаҳоннинг суратини топди-да, авайлабгина арди. «Ҳали бошимизда иш кўп эди онаси. Тилаб олган болаларимиздан бирортасининг тўйини кўрсанг ҳам майли эди. Армоним ичимда қолди. Борган жойингда тинч ет, онаси. Болаларингдан хавотир олма. Мен тирик эканман, уларни бировга саргайтирмайман. Бироқ, она меҳри бўлак экан, ўрнини ҳеч нарса босолмас экан. Ўтиб ўтмайдиган қунарларга, узун тунарларга

қолдик-ку, онаси!»

Ҳеч ким ҳаётнинг аччиқ қисматиға рўбарў бўлмасин. Эракк кишини кўзидан еш оққулик, бешик тебратулик, қозон-товоққа қарагулик қилмасин экан. Хотинининг маърақасидан кейин Умарали акани ишхонаси — Андижон ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари йўқлатишди. Беш нафар норасида қизи қолганини, кичиги ҳали чақалоқ эканлигини эшитиб, Умарали акага шароит яратиб беришди. Енгилроқ ишлаб, йилик, болаларининг пулини вақтида олиб турадиган бўлди. Яхшиямки, катта қизи Салимаҳон дастёр, уй ишларига ердлашмади. Мактабдан келибоқ отасининг енига киради, қўлидан ишни олади. Севара, Хуршида, Ўғилбойлар ҳам синглиси Ҳайитхонга қарайдиган бўлиб қолишди. Умарали ака кечки овқатга унлар экан, кичкинтойга сутли овқат пиширишни ҳам унутмайди. Дастурхон езилгач, юраги ортиқиб

кетеди. Болалари оналари ўтирадиган пойгакка бир-бир қараб қўйишади. Кичкина Ҳайитхон айна овқат пайтида яна хархаша қила бошлади. Ҳаш-паш дегунча болалар ўрниларидан туриб, мактабга кетишади. Ҳайитхоннинг ҳам чиройи очилиб, уйнаб қолди. Умарали ака ҳам ховлисидаги экин-тикин ишларини қилиб, енгил тин олди. Болаларнинг ризқи, ҳарна рўзгорга ердам дея ховлининг четларини ҳам бўш қолдирмади, у-бу экди, ўтказди.

Кичкинагина жуссасида тоғдай бардошни кўтариб юрган, ўз ҳузур-халоватидан кўра фарзандлари қамони учун қайғура оладиган бу одамнинг қунари шундай ўтапти...

Бугун хотинини қора ерга қўйиб, йили ўтмай уйланаётган, болаларининг ўқисқ қалбларини жароҳатлаётган оталар камми? Тўғри, беш қўл баробар эмас. Хонадон аёл киши билан файзли. Ҳаётнинг ўзи ҳам шунга мажбур қилади. Болалари тақдирини ўйлаб иккинчи бор турмуш қурадиган кишиларни қоралашдан йироқман. Айтмоқчи бўлганим — Олтинқўл туманидаги «Коммуна» жамоа ҳўжалртгидеа истиқомат қилувчи Умарали аканинг аёли ўрнини билдирмай, оилга бош бўлиб юриши катта давлат. Қизларининг қамолини кўриш эса отанинг яна бир бахти. Зеро, бу қўхна дуне фақат айрилиқлардинга иборат эмас.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА
Андижон

АБУ АЛИ ИБН СИНО

“ДАФЪ-УЛ-МОЗОР”

СУВ ВА БОШҚА МАШРУБОТ (ИЧИМЛИКЛАРИ) ХУСУСИДА СУВНИ КЎП ИЧИШ БАЁНИ

Абуали айтиди:
Бу ҳолат уч жиҳати билан зарарлидир. Аввалан, таом ўтадиган йўллар ҳароратини меъридан ортқ пасайтиради. Асосий аъзоларна, шунингдек чоргона (тўрт унсур)нинг табиий қувватини кучсизлантириб, фаолиятини пасайтириб, уларда титроқ пайдо қилади.
Сониан (кейин) жигарнинг қондан айрим моддаларни тозалаш жараёнини сулшатиради ёки сувдаги моддалар қорин пардаларига ва бошқа жойларга ўтириб қолишни юзага келтиради. Ё унинг таъсирида сийдик тутолмаслик, сийдик йўлининг тўсилиши ҳолатлари пайдо бўлиб, сийдик йўллари заифлашади.

Учинчидан, таомнинг ҳазм бўлишига тўскинлик қилиб, муддатидан олдин уни суриб чиқаради.

ОЛДИНИ ОЛИШ

Совуқ мижозли кишилар мушқдан тайерланган дорини май ёки шарбат билан ичсинлар, токи сувни ҳайдаб чиқарсин. Аммо иссиқ мижозли кишилар доривор ўсимликлар уруғидан тайерланган талқондан ва райхон қўшилган майни ичсинлар. Уларини сув ичишдан тўхтатсинлар.

Бемор таъми сийдик ҳайдайдиган, ташналиқни қондирдиган олма ва беҳидан иборат бўлсин.

ОИЛА

30 ЁШДА


Қашқадарёликман. Табиатан оғир-босиқ, очиқ кўнгилман, болаларни жондилмдан севаман. Касбим — ҳамшира, турмушга чиқмаганман, ўзбекиона турмуш тарзини хуш кўрувчи, болажон, меҳрибон, қувноқ, ростгўй, меҳнатсевар 30-32 ёш атрофида бўлган йигит билан танишиб, бир умрга бахтли яшашни истайман.

“Оила — 304”.

36 ЁШДА

Тўрткўл шахрида истиқомат қиламан, маълумотим ўрта, сотувчи бўлиб ишлайман, миллатим ўзбек, бир марта уйланиб ажрашганман. Шахсий уйим бор, соғлиғим яхши. 24-36 ёшли миллати ўзбек бўлган ростгўй, оқкўнгил, пазанда, саранжом-сарийшта, садоқатли, меҳрибон қиз билан мустаҳкам оила қуриш ниятидаман. “Оила-305” Мақтубларингизни нитизорлик билан кутади.

ИЗОҲ: Оила — 252, 284, 278, 300
Тахририятимизнинг оила бўлимига келиб учрашишларингизни сўраймиз.



Абдул Гани ЖУМА сурати

Дераза

ИЧМАГАН МАЪҚУЛ

Екатеринбургдаги заводлардан бирининг В. исмли ходими янги уйнинг қалитини олди. Бузиладиган уйда яшаётган В. бўлғуси гўшасини бориб кўриб хурсанд бўлиб кетди ва кўчадан бир шиша “Русская” сотиб олиб, уни “ювди”. Кейин уйқуга етди. В. ни эрталаб ўлиб етган ҳолда топилди: ароқ сифатсиз экан.

МАЙМУН ДОВДИРАМАДИ

Германиянинг 44-федерал йўлида тўтиқуш, канарейка ва бошқа новб қушлар ҳамда ешгина шимпанзэн оlib кетаётган кичикроқ юк машина ағдарилиб тушди. Фалокат пайти қафасларнинг бир қисми синиб қушлар ташқарига чиқиб кетди. Хайдовчи серкатнов кўчада нима қиларини билмай довдираб туриб қолди. Буни кўрган шимпанзе қафасидан чиқиб, кўча ўртасига туриб йўл кўрсатувчи меласева ўхшаш машиналарни тўхтатди. Сўнг қушларни ушлаб қафасларига қаматди.

ЎЙЧИННИНГ ЎЙИ БИТГУНЧА...

Ҳозир ким ошди савдоси ҳақида эшитмаган, унинг нималигини билмаган одам бўлмаса керак. Свердлов вилояти Ирбит шаҳри маъмурлари ҳам бузилиши керак бўлган бир бинони кимошдига сотишни ният қилиб қўйишди. Бироқ... кимошди савдоси муддати яқинлашганда сомилажак бинонинг тағлаҳсасигина қолгани устидан чиқишди. Одамлар бинонинг урвоғича ташиб кетишибди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Қадри дўстимиз **ОДИЛБЕК!**
Туғилган кунинг хуборак бўлсин. Умингда бахтли кунлар яў бўлсин! Ишларингга ривож, доимо соғ-саломат юршигини тилаймиз. Дўстларингиз **АБЗАМ, ЭРҒАШ, ДИЛШОД...**

дўгоналарингиз **НАФИСА, ГАЛИЯ, ГУЛИСТОН, дўстларингиз НУРИЛЛО, БАХРИДДИН, АЗАМАТ.**



опажони **РИХСИХОН,** оналари **ХИЛОЛАХОН, КАМОЛАХОН, ЗИЛОЛАХОН** ва акажони **ИБРОХИМЖОН.**



Жондан азиз невараларим **БЕХЗОДЖОН** сени 8-баҳоринг, **ФАРҲОДЖОН** сени 7-баҳоринг нишонланаётгани билан қутлаймиз.

Яратган Оллоҳимдан сизларнинг соғ-саломат, бардоҳ-бақувват юршидларингизни, келажақда эл ардоқлайдиган ҳақиқий ўғлон бўлиб вожага етишишларингизни тилаймиз.

Буважонинг **ЭРКИНЖОН,** буважонинг **РИХСИХОН,** холажонинг **ЗИЛОЛАХОН,** аммажонинг **ГУЛЧЕҲРАХОН,** тоғажонларингиз **ИБРОХИМЖОН** ва **БАҲОДИРЖОНЛАР.**



НАСИБА! Сизни 24 апрел — туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Оллоҳим танингизни соғ, насибанингизни бутун, умрингизни узоқ, бахтингизни тўқис қилсин. Ҳаёт гузалигини дилингизда гул бўлиб унсин.
Хурमत ила

Кизаларим **ИРОДАХОН!** Сени 1 ёшга туғилишиг муносабати билан табриклаймиз. Оллоҳим насибанингизни бутун, бахтингизни баркамол қилсин.
Дададангиз **КАХРАМОН...**



САЙЁРАХОН! Таваллуд кунингиз қутлауг бўлсин. Ҳаёт езуалиеги дилингда гул бўлиб унсин, тоғалигиз элмиша порлоқ, чеҳрангизда табассум аримасин. **ГАЛИЯ, ГУЛИСТОН, НАФИСА, НАСИБА.**

Хурमतли ва азиз падари бузрукворингиз **Бекмурод БОГИРОВ!**
Сизни 22 апрел — таваллуд тоғингиз кунингиз билан табриклаймиз. Ҳаётда энг ёмон кунингиз жана шу кунингиздек бахтиёр бўласин. Оилангиз бошига солбон ва суянч тоғи бўлиб 100 ёшга кириб юринг. Бизга 100 ёшингизда ҳам сизни севиниб рўзноамиз орқали табрикласиб насиб этинс, деб фарзандларингиз **ИЛҲОМЖОН, ҒУЛОМЖОН, ХАРИЗА, АЗИЗА,** келинчигиз **ШОҲИДА** ва невараларингиз **САРДОРБЕК.**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, Қўшрабoт тумани.

Жажжи жиянчаларим **ДИЛСЎЗОЙ, ШЕРЗОДЖОН,** ва **МУНИСАХОН!**

Сизларни бўлиб ўтадиган туғилган кунларингиз билан табриклайман. Умрларингиз узун, тилларингиз соғ, йўллариңиз дург ва жамик бахт-шодлик бир умр ҳарроқларингиз бўлсин, деб холиғ **НАФИСА.**

Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани. Қиреули қишлоғи.

Мўртабав ва меҳрибон азиз онажонимиз **Шаҳзода ЭШОНҚУЛОВА** ва падари бузрукворимиз **Исо УМИРОВ!** Ун бир фарзандни вожаг етказиб, таълим-тарбия бериб, оқ юшиб-оқ тараганликларингиз ҳамда бизларни тўғри, покиза юршига ўргатганликларингиз учун биз фарзандларингиз сизлардан бир умрга мийнэтдоримиз. Бузун биз сизларни туғилган кунларингиз билан табриклаймиз. Сизларга дунё турғунчи узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бизларни бахтингизга доимо соғ бўлиб, жаажжи невараларингизни етаклаб юринлар.

Фарзандларингиз номидан **Мажжуда УМИРОВА** **ТОШДД** журналистика факультети толибаси, **Фариддин УМИРОВ** **ТОШИИТ** факультети 3-курс толиби.

Ширин укажонларим **ЖАМШИДЖОН** ва **ХУРШИДЖОН!**

Сизларни оила аъзоларингиз номидан туғилган кунларингиз билан қутлайман. Келажақда боболарингиз, ота-она қабил эл ардоғига мушарраф бўлинлар. Сизларга таат-сиҳатлик, шобу хуррамлик тилаб, акаңгиз **МУРОДЖОН,** Наманган вилояти, Чуст шаҳри.

Хурमतли **МУТАЛЛИБЖОН** ака **СОДИҚОВ!**

Сизни 26 апрел — туғилган кунингиз билан табриклаймиз. “Ўзбекистон адабиети ва санъати” редакциясидаги журналистик фаолиятингизга ижодий парвозлар, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

Камол зухтироғи тла сингилларингиз **ЛАТОФАТ, СОҲИБА,** Тошкент шаҳри.
Хурमतли Назрулло **АКБАРОВ!** Таваллуд кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга соғлиқ.

шиларингизда омад, хонадонингизга қутбарка тилаймиз.

Хажмасларингиз, Тошкент.

Қадри дўстим **Гуля ҚУВОНДИҚОВА!** Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан табриклайман. Рўзгорингизга осойишталик, бахт, касб-корингизга барка тилайман.

Дўстингиз **Бафр ҚАРИМОВ**

Меҳрибон отажонимиз **Асидхон МАСКАРҲОНОВ** ва азиз онажонимиз **Шарифахон МАСКАРҲОНОВА!**

Сизларни яқинда 60-57 баҳорни қаршилашингиз билан табриклаймиз. Йиле кўна қариб, биз фарзандларингиз роҳат-фароғатини кўринлар.

Ўғлиңгиз **ҲОТАМЖОН,** келинчигиз **ГУЛИСАНАМ,** набираниңгиз **ХОЖИКАБАР.**

Хурमतли **ФУЗАЙЛИДИНОВ!** 26-апрелда 46-баҳорни нишонлаётганиңгиз билан чин юракдан сомиий табриклаймиз. Сизга метиндек мустаҳкам соғлиқ, бахту бекамлик, узундан узоқ умр, хонадонингизни нурларга тўлишини тилаймиз, деб

ОНАНГИЗ, РАФИҚАНГИЗ, қизларингиз **ШАХНОЗА** ва **ДИЛНОЗА**

Дўстимиз **Баҳодир!** Таваллудингиз 22-баҳори билан табриклаймиз. Сена узоқ умр, езуал ҳаёт, ўқинишларингда омад тилаймиз. Қўлибидан ёшлик шижоати, юзидан табассум аримасин.

Хурमत ила, дўстингиз **Даврон**



Азиз келиноғимиз **Шарофатхон Абдукаримов!** Сизни туғилган кунингиз билан юракдан с а м и м и й табриклаймиз. Сизга узоқ умр, оилавий бахт, тинчлик — хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Укаңгиз **Баёнбек,** жиянларингиз **Воҳиджон, Вазирхон** ва келинчигиз **Матлуба.**
Гулистон шаҳри

ЧИЛЛА ДАВРИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ РАСМ-РУСУМЛАР

Чилла атамаси "чил" сўздан олинган бўлиб, форс-тожик тилида "қирқ" деган маънони билдиради. Чилла инсонлар ҳаётидаги энг оғир ва масъулиятли даврни англатувчи сўз ҳисобланади. Удум бўйича чилла 40 кундан, иборат бўлиб, шундан 20 кун кичик чилла, қолгани эса катта чилла деб аталади.

Қишнинг энг совуқ (25 декабрдан 5 февралгача) ва ёзининг энг иссиқ саратони (25 июндан 5 августгача) вақтлари чиллага киради. Она ва унинг чакалоғи ҳаётининг тутруқдан кейинги, келин-куёв турмушининг никоҳдан, марҳумнинг вафотидан кейинги илк даврларига нисбатан ҳам чилла атамаси қўлланилади.

Зоҳидлар ташқи дунедан ажраган ҳолда бир жойда 40 кунгача тоат-ибодат қилганлар. Қурбон ҳайити олдида чилла ўтириш расми бажарилган.

Одатта кўра, келин-куёвнинг, фарзанд кўрган аёл ва чакалоқнинг чилласи уларни гўе ёмон руҳ, алвасти ва бошқалардан сақлашни таказо қилган. Чиллани келинчак учун фарзандсиз аёллар билан учрашиш хатарли ҳисобланиб, гўе турмас аёлнинг қисмати келинчакка ўтиши мумкин деб тушунишган. Кейин уйига бефарзанд аёл қадами тегса келинчак ҳам бола кўрмайди деб ирим қилишган. Бу удумни "чилла тушди" — деб ҳам аташади.

Чилла даврида касофат, бахтсизлик содир бўлмаслиги учун она ва бола елгиз қолдирилмаган. Хонада доимо чироқ ёқиб қўйилган, бу хонадон эса чиллахона дейилган. Халқимизда баъзи тарбияси ночор кишиларга нисбатан "Чилласида чироқ кўрмаган" иборасининг аталиши ҳам бежиз эмас.

Чилла вақти чакалоқ тузли ва тупроқли лойка сувга чўмилтирилган. Халқ табobati нуктаи назаридан ва кексалар таъбирича бола чўмилтирилганда бадани тозаланади ва кайфияти кўтарилади. Бунда тоза сув таркибига ҳам эътибор берилади. Чўмилтиришга мўлжалланган сувга аралаштириш учун тоза кесаклар ишлатилган: Бу кесаклар асосан ўз хонадонининг тандирлари ёки кўҳна паҳса деворлари кесакларидан иборат бўлиши лозим бўлган. Вақти-соати билан чакалоқ танасида иссиқлик тошмаслиги учун кесак майдалаб докадан ўтказиб сепилган. Чўмилтириш маросимидан сўнг чакалоққа махсус "чилла кўйлак" кийдирилган. Баъзи қишлоқларда гўдак тугилгандоқ унга "ит кўйлак" кийдирилган. Гўе болага хавф солиши мумкин бўлган бало-қазо итга ёпишсин дейилган. Чунки ит тез касалликка чалинмайдиган, бардошли, тез кўпаядиган ҳайвон ҳисобланган. Агар оиллада бола кўп турмай ноубуд

бўлаверса, то қирқ кунгача чўмилтирилмаган.

Тузқан аёл чилла даврида оғир юмушларни бажармаган ва айниқса овқатланиш режимида қатъий риоя қилган. Масалан, она қайнатилмаган овқат, ҳар хил суюқликлар, пиез, бошқа аччиқ ва шўр нарсаларни истеъмол қилмаган. Дастлабки кундан бошлаб онага атала, ширчой ичирилган. Одатда атала баҳорги оқ бугдой унини зигир ёғи ёки куйруқ ёғига қовуриб тайёрланган.

Элшунос Г. П. Снесаревнинг ёзишича, Хоразм вилояти Хонка туманидаги Сарипоён деган қишлоқда Чиллатут номли муқаддас дарахт бўлган. Чилла даврида касал бўлган чакалоқларни мана шу тутнинг ёнига олиб келинса ва унинг шохларига ҳар хил латта-путталарни осиб қўйишса, у тезда тузалиб кетади деб ташлаб кетишган.

Асрлар ўтган сайин чилла даври ва у билан боғлиқ расм-русумларнинг аксарияти унутилди, баъзиларигина республикамизнинг қишлоқ аҳолиси ўрсатида сақланиб қолган, холос.

Аслида, чилла даври расм-русумлари ҳам ўзбек халқи миллий қадриятларининг муштарак бир қисми ҳисобланади.

Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ

"ДИЛИНГДА ГАР МУҲАББАТ ЙҮК..."



Инсон яралибдики, доимо бахт ва муҳаббат сўзи билан бир тан, бир жон бўлиб яшашни истайди. Аммо ҳаёт кургурнинг сўрови кўнгил мулки билан ҳечам ҳисоблашиб ўтирмайди. Унинг замирида бахт борми, демак бахтсизликнинг бўлиши ҳам шарт. Муҳаббат деган тушунча мавжудми, албатта ишқу-сафо, ахду вафо гулзорларида шохона яшаётганлар ҳам ва ёки кўнглидаги эришолмасдан дарду дунеси бир тутам бўлиб юрган қалби зимистонлар ҳам йўқ эмас.

Менимча муҳаббатсиз юракнинг оғирлиги бўлмағай. Ўша оғирликсиз, яъни юксиз яшаш эса... Қолгани ҳар кимнинг ўзига хавола.

Ёшим 19 да. Исми Мухайе. Ўтган йили турмушга чиқдим. Мен учун севгининг ҳам, муҳаббатнинг ҳам ҳеч қандай аҳамияти қолмаган. Тўйимиздан кейин эрим ичадиган, чекадиган ярим кечалари кириб келадиган одат чиқарди. Ҳатто бир неча марта калтаклади. Икки марта касалхонада етиб чиқдим. Уруш-жанжалларнинг мохиятини кейин тушундим. Эрим "бошқасини" топган экан. Ажрашиб кетдик... Шуми севиб турмуш қуришининг аҳоли? Агар муҳаббат шунақа бўлишини билганимда кўзимни чирт юмиб, ота-онам бермоқчи бўлган одам билан муҳаббатсиз яшаган бўлардим.

Исми Умида. Ўн еттига энди тўлдиму, лекин анча ешни, анча умрни яшаб қўйгандайман. Ўтган йили кузда турмушга чиқдим. Тўғрироғи мажбурлаб узатишди. Куёв бўлиш йигитни ектирмасдим. Севиб қолсам керак деб ўйлагандим. Лекин унга нисбатан муҳаббатдан қалбимда асар ҳам йўқ эди. Кейин ажрашиб кетдим. Эрим бошқа кизга уйланди. Менинг эса яшагим йўқ. Ота-онамининг измига қарадим. Севиб турмуш қурганимда бошқача яшардим...

Исми Нодирбек. Ёшим 20 да. Ўқийман. Менимча чиройли қизларга унчалик ишониб керакмас. Улар ўз хуснларига бино қўйганлар. Хусну латофатини кўз-кўз қилиб, барибир алдаб кетади. Бошимдан ўтган. Гулнора исми гўзал қизни севиб қолгандим. Агар дунёда иккита гўзал бўлса, шубҳасиз бири Гулнора эди. Еру-қўкка ишонмасдим уни. Бир неча ой бирга юрдик. Аммо Гулнора севгимни рад этди. Айтишича унинг кўнглидаги йигит эмасмишман. Шундай экан, нега мени шунча вақт алдаб юради!? Кейинроқ билсам, мендан бошқа яна иккита йигити бор экан. Бир боғлаб ўл очмоқчи бўлдим, унга бўлган муҳаббатим йўл қўймади. Энди ҳеч қачон чиройли, ўзига ортиқча бино қўйган кизга кўнгил қўймайман. Дунёдаги энг хунук (қизларнинг хунуғи бўлмайди) қизлардан бирига уйландим.

Исми Мадина. Ёшим 20 да. Мен ҳам

муҳаббат ҳақида фикр билдирмоқчиман. Муҳаббат деб лоф урамузу, ҳеч кимда муҳаббатнинг "М" ҳарфини ҳам тополмаймиз. Муҳаббат ҳозир пулга айланган. Кимнинг пули кўп бўлса муҳаббат ҳам, инсон тақдирини ҳам унинг измида. Қизлар ҳам баъзан шунақаларнинг кўлида ўйинчоқ, тўғрироғи кўғирчоқ бўлаётганлигини сезишмайди.

Сизга бир мисол. Барно исми ешиқдан бирга ўсган дугонам бор эди. Мактабни тугатиб у ишга киргач, Ваҳодир исми бойвачча йигит билан танишибди. Унинг машинаси, кийиниши, ташқи киефаси дугонамини мафтун қилиб қўйганди.

Кейин... болали бўлиб қолди. Йигит эса дугонамини ташлаб бошқа шаҳарга ўқишга кетди. Дугонам ота-онасининг иснодга қолишдан қўрқиб ўзини осиб ўлдирди... Шуми муҳаббат? Шуми вафо? Бир ношуд туфайли гуддек қиз жувонмарг бўлди. Орамизда шундай йигитлар борки, улар ҳамма нарсани пулга қачқилади. Ҳозир йигитларда диенат, садоқат, вафо деб аталмиш туйғулар тамомилан йўқолган. Ҳатто уларни севишга ҳам қўрқадим одам. Бир инсофсиз, диенатсизнинг қўлига тушиб қолиб, бошимизга Барнодек қизларнинг кунлари келишидан ҳадиксираб яшаймиз. Замон ўзгарди, дейсиз. Замон ўзгарган бўлса ўзгаргандир, биз инсонлар ўзгармаслигимиз керак-ку. Ўзимизнинг асл киефамизни, ҳае, иболаримизни муҳаббатимизни асрашимиз керак.

Исми Файзулла. Ёшим 19 да. Мен ҳам бошқа тенгдошларим қатори Муҳаббат изтиробини бошимдан кечирганман. Шунинг учун қизларга ишончим қолмаган. Чунки қизлар фақат алдайди. Уларнинг назарида биз ўтакетган фарибгар, шилқим (сўзим учун узр), бевафо ҳисобланамиз. Наҳотки, қизлар беш бармоқ тенг эмаслигини тушуниб етмаган бўлсалар! Ахир бизларда ҳам қалб бор, юрак бор! Биз қалбимизнинг амрига бўйсунмоғимиз керак. Тушунингиз ҳаракат қилинг...

Исми Гулчехра. Ёшим 20 да. Ота-онам

зиёли, мартабали кишилар. Ўзимдан икки ёш катта йигит билан севишганман. Ниҳоятда авайлаб-ардоқларди мени. Тўрт йил бирга юрдик. Кейин... отам мени акин қариндошининг ўғлига бердилар. Ҳаётимдан нолимайман. Ҳамма нарсам, уйим-жойим бор. Турмуш ўрғотим жуда яхши. Лекин унга нисбатан муҳаббат йўқ. Бўлмайди ҳам. Юрагимдаги муҳаббатнинг барчаси илгари севган йигитимда қолган...

Исми Саида. Ёшим 18 да. Онам вафот этганлар. Отамнинг розилигини олмай, йигитни тузуқроқ суриштириб ўтирмай турмушга чиқдим. Кейин билсам, мен турмушга чиққан йигит касалманд экан. Яшагим келмади. Тўғриси, қачонлардир барибир ундан айрилиб қолишми ҳис қилдим. Ҳозир ажрашиб акамнинг уйда яшайман. Отамнинг насихатида қулқ солганимда балки бахтсиз бўлиб қолмасдим...

Дейдиларки, одамзод дунёга фақат бахт, муҳаббат, эзгулик ва яхшилик излаб келгай. Во ажаб, нечун бир сижимгина жонга бунчалар ташвиш? Бу нималар эвазига ахир? Бу нималар важдан? Биз излаган бахт-шунчалар қимматми, биз кутган муҳаббат, биз истаган эзгулик шунчалар қамқомми?

Аслида жамики тирикларни бор будишуду билан кўксиди ортмоқлаб кетаётган ҳаёт деган улкан кемада одамзод учун ҳамма нарса тўла-тўқисдир. Бирок, оз билан кўпнинг, катта билан кичикнинг ширин билан аччиқнинг меъерини билмаймиз. Ўйлаб кўрсак, унчалик бахтсиз ҳам эмасмиз, муҳаббатимиз ҳам ўзимизга ярашади. Бу борада фақат инсофдан чиқиб кетганлигимиз рост. Бизнинг ноинсофлигимиз ҳаёт неъматларидан ўзгаларнинг ризқини қирққинини билмаймиз. Афсуски, билган пайтимизда кеч бўлади. Ҳамма-ҳаммаси кейин эста тушади. Сўнггида йигла, сиқта, оху-нола қил, барибир. Оқибати эса яна бахтсизлик, яна муҳаббат ва вафосизлик!

Юқоридаги дилгир, армонли хатларни ўқиб тушунганим шу бўлди: Ҳаётда бахт излаб юрганларнинг ҳаммаси бахтлидир, муҳаббат истайдиганларнинг ҳаммаси соф муҳаббатлидир. Энг муҳими уларга сабр-бардош, ҳаммиса ақл ва инсоф билан иш қуришини тилайман.

ШОИРА КАМОЛИДДИНОВА
ТошДД филология факультетининг
талабаси

Избоскан тумани Чувама кишлоғлик Улуг Ватан уруши катнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Абдуқодир ота Жўраев кишлоқнинг пиру бадавлат отахонларидан бири. Сақиз нафар фарзандни тарбиялаб воқиа етказган отахон уларнинг ҳаммасини уй-жойди қилиб қўйган. Ҳазир билан айтганда бир этак набиралари ҳам бор.

ЎРМОНДАГИ ЧАҚАЛОҚ

1943 йилнинг ез кунларидан бири. Кеңликлар оша ястаниб етган Брянск ўрмонидаги йўлдан 371-ўқчи полк жангчилари ҳорғинлик билан қадам ташлашиб, ғарба томон кетиб боришмоқда. Бўйи пастроқ бўлгани учун доимо сафининг ортида қорадиган Абдуқодир пулемет дискасини кўтарганча кетар экан, экин атрофдан эшитилган йиғи товушини эшитиб ўрнида таққа тўхтади. Дикқат билан қўлоқ солувди, ҳақиқатан ҳам ўрмон ичкарасидан чақалоқнинг йиғиси кўлоғига чалинди. «Е, тавба — ўйлади у. — Кимсасиз, бепеон ўрмонда чақалоқ нима қилади, яқин-атрофда бирорта ҳам хутор бўлмаса? Командирга айтиб кўрайчи».

Рота командири лейтенант Хорошенкодан рұхсат олчар, Абдуқодир йўлдан ўн-ўн беш қадам ичкарига кириши билан қўзи бомба ҳосил қилган чуқурга тушди. Чақалоқ йиғиси ўша чуқур ичидан эшитиларди. Бу ердаги нохуш маззари кўриб, Абдуқодирни титроқ босди. Чуқур ичида бошини бомба парчаси узиб ташлаган, ҳаммаёғи қонга беланган аёл мурдаси етарди. Мурданин оёқлари орасига қисилиб қолган беш-олти ойлик қип-яланғоч чақалоқ эса ҳали қони совуб улгурмаган онасининг кўрагига мурғак қўлларини чўзганча талпинарди. Абдуқодир болани олиш учун нуқурга энди энгашувди ҳамки, ўнг кўлоғини туйқусдан ўқ ялаб ўтди. У ҳамма ери қонга беланиб кетган болани бағрига маҳкам босганча, чуқурдан эмаклаб чиқиши билан яна ўқ товуши янгради.

Абдуқодир эмаклаб, энгашиб йўлга чиққанда сафдошлари юз қадамча нарида кетиб боришарди. Унинг чақиринини эшитган жангчилар бир-бирларини шерикларининг чақалоқ топиб олгани ҳақида хабардор қилишди. Полк юришдан тўхтади. Полк командири полковник Хихадзе зум ўтмай Абдуқодирнинг олдига етиб келди, бўлган воқеани батафсил тингладди.

— Ҳузбекмисан? — деди Абдуқодирнинг елкасига қўл ташлаб командир. — Сиз ўзбеклар ажойиб, бағри кенг, меҳрибон одамларсизда ўзи. Мен Фарғонада бўлманман. Ажойиб юрт, хўп, ўртоқ пулеметчи, ҳушерднинг, меҳрибоннинг учун ташаккур билдираман. Болани эса шиферим билан биргаликда дала госпиталига олиб борасизлар, шахсан ўзинг борасан, хўпми? Госпитал менямча шу жойда, эллик-олтмиш чақирим нарида бўлса керак.

ГОСПИТАЛДА

— Йўк, йўк, болани қабул қилолмайман. Тушунсанларки ахир, бу жойда ярадорлар даволанади. Энди бир камим бола боқишим қолувди.

Госпитал бош врач шундай деди-да ичкарига кириб кетди. Қутилмаган муомаладан ҳайрон бўлиб қолган Абдуқодир, савол назари билан шиферга қаради. Ҳамроҳи «ҳозир боппаймиз» дегандек ишора қилди-да машинадаги рақия орқали командирга вазиятни маълум қилди, сўнг «хўп, ҳозир» деди-да ичкарига кириб, бош врачни чақириб чиқди.

— Мапа грузинча сўқипши ҳам билиб олдик, — деди рақия олдида бўшашганча қайтар экан бош врач. — Қани ичкарига юрингларчи.

Госпитал катта тиббий ҳамшираси Абдуқодирнинг қўлидан болани олдида, хонанинг бир четига бориб унга кўксини тутди. Тўхтовсиз йиғлаётган чақалоқ зумда йиғидан тўхтади.

— Ҳамшира, — деди бош врач. — Болани нима билан боқамиз, ҳали у эми-зикли экан-ку? Иннайкейин уни ким деб расмийлаштирамиз?

— Бугега хавотир олмагн. Мухими бола соғ экан. Бир банка куюлтирилган сут бор. Эртагаёқ болани эмизикли болалар уйига жойлаштириша уринамиз. Ўртоқ майор (бош врачнинг унвони шундай эди) чақалоқ боққининг энди ҳеч кими қолмайди. Агар

рози бўлсангиз болани ўз ҳалоскори номига расмийлаштирсак.

Ҳамшира Абдуқодирдан унинг уй манзилини езиб олчар, ортидан таъкидлади: — Бола кизалоқ экан, умридан бўлиб, улайиб кетса, бир кун албатта сизни излаб топади. Сизни исм-шарифингизни, яшаш жойингизни езиб, махсус жилдага солиб, бўйнига осиб қўямиз. Қизингиз то воқиа еттунга қадар бу маълумотлар унинг енида сақланади.

КУТИЛМАГАН МАКТУБ

— Абдуқодир ота, хўв Абдуқодир ота! Ҳовлидаги тоқларни тартибга келтиратган Абдуқодир ота «ҳозир» деди-да кўча дарвозаси томон йўл олди. Дарвоза енида турган ҳарбий формадаги киши-район ҳарбий комиссариати бошлиғи Сусликов этани кўриб мамнуният билан жилмайди:

— Э, суюқчини каттароғини чўзаверинг, оқсоқол. Сизга хат олиб келдик. Украинадан, чамамда бирорта курулдошингиздан шекилли. Уй манзилингиз ноаниқ езилгани учун хат кўлдан-кўлга ўтавериб анча уриниб кетибди. Хат дастлаб, Фарғонага жўнатишган экан, у ердагилар бизда бундай жой йўқ деб хатни қайтариб юборишибди. Кейинги сафар хатни Намаганга юборишибди, яна сиз топилмасиз. Ниҳоят бизнинг вилоятга юборишган экан, почтадагилар менга келтириб беришди.

Абдуқодир ота ҳаммаёғига сон-саноксиз почта муҳрлари урилган, титилиб кетган хатжилд (конверт) ни қўлга олди. Ундаги езувларга кўз югуртирди. Фарғона вилоти Избоскан райони, Дзержинский номли колхоз, Жўраев Қодиржонга.

— Э, ўртоқ восном, — деди Абдуқодир ота меҳмонларни уйга таклиф қилар экан. — Бу хат почталарда беш-олти йиллаб нега сарсон бўлганини энди тушундим. Ахир уруш вақтида вилотимиз номи Андижонмас, Фарғона эди, колхозимиз номини эса Дзержинский дейишарди. Мана, қаранг, хат бундан беш йил олдин, 1979 йилда езилган экан-а.

Абдуқодир ота хатни очиб, ҳайратдан донг қотиб қолди ва беихтиёр «Кизалоқ тирик экан?» деб юборди. Сўнг Сусликовга юзланиб, «Илтмос сиз ўқинг, мен ўзимни нағати сезялман» деди-да, унга узатди. Сухбатдоши хатни ўқишга киришди:

«Салом отажон, салом меҳрибон халоскорим! Ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун ҳам сизга минган минг раҳмат! Олдингизда умрбод тиз чўкаман. Сизни йўқлаб 1960 йилдан бери мактублар битаман, аммо сиздан ҳамон дарак йўқ. Дийдорингизни кўришга муштоқман. Отажон, илтмос қиламан, бизнинг томонга меҳмон бўлиб келинг. Интизорлик билан кутаман.

Қизингиз Галина Жўраева, Украина ССР, Чернобыль шахри».

Бироз ўзига келчар, Абдуқодир ота меҳмонларга уруш вақтида Брянск ўрмонида еш гўлакни қандай топиб олганлигини ҳикоя қилиб берди.

— Қаранглар-а, — деди Абдуқодир ота хикоясини тутатар экан. — Божкин қиз мени ҳарийб йигирма беш йилдан бери излаёттикан. Мен ҳам энди уни излайман. Худо насиб қилса келаси йили албатта Чернобылга бораман.

ДИЙДОР

1985 йилнинг эрта баҳоринда Абдуқодир ота бир кучоқ совга-саломлар билан Чернобыль шахрига етиб келди. Шаҳарга оқшом чўккан кезде М. Горький кўчасидаги эксплуатация бошқармасини топди.

— Галина Жўраева дейсизми? Ҳа, бизда шунчака аёл яшайди, — дейишди бошқармадагилар.

— Марказий шифохонада врач, эри Владимир атом электр станциясида муҳандис. Ҳозир сизга бир вақилимизни кўшиб берамиз.

Манзилга етишгач, бошқарма вакили эшик кўнгиригини босди. Эшикни очган олтмиш ешлар чамасидаги аелини кўриб Абдуқодир ота ҳайрон бўлиб қолди. Унинг кўнгилидан ўтганини сезгандек вакил изоҳлади: — Бу киши мана шу хонадонда хизмат қилади.

Хизматчи уларни ичкарига таклиф қилгач, вакил телефонга қўл узатди: — Алло, шифохонаданми? Галина Жўраева керак эди. Уйдан сурашяпти дег... Галина, бу сенмисан, сени излаб Ўзбекистондан бир бобой келди. Қизик у ҳам Жўраевман дегпти. Йўг-е...

Меҳмонхонадаги ўриниқда бамайлихотир ўтирганча уйни кўздан кечирётган Абдуқодир ота девордаги суратлардан бирини кўриб ҳайратини яширолмади: «Бўлиши мумкин эмас!» Девордаги сарғайиб кетган суратда унинг болани кўтариб госпиталга кириб келастганлиги акс этганди. «Наҳотки ўшанда уни суратга туширишганлигини сезмаган бўлса?».

Шу пайт эшик тарақлаб очилди. Остонада еши қирқлар чамасидаги хушбичим аёл — Галина кўринди. У

Абдуқодир ота ропша-роса ўн кун деганда поезда-поезд юриб Витебск шахрига етиб келди. Йўл-йўлақай Чернобылга кирмоқчи бўлувди, қиритишмади: «Мумкинмас. Радиация!»

Витебск шахри четроғида жойлашган Чернобылдан сафарбар қилинганлар шифохонасида отага Галинанинг ақинда оғир хасталиқдан сўнг вафот этганлигини маълум қилинди.

— Галина радиация хавфидан ўзгаларни қутқараман деб ўзи нига дучор бўлди, — отага тушунтириш берди Галинанинг ҳамкасбларидан бири. — У уч кунгача фалокат содир бўлган жойдан нари кетмай одамларни сафарбар қилиш билан машғул бўлди. Оқибатда ўзи қаттиқ нуранлишга учради. Сизга хатни кўзи хиралашиб, оёқ-ўғилари дегарли ишламай қолган бир вазиятда етганди. Илтмосига кўра хатни

ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

ҳаяжоннинг зўридан бир муддат шу жойда таққа туриб қолди. Сўнг оҳиста юриб Абдуқодир отанин олдига келди: — Сиз... сиз... ўшамисиз. Вой худойим-ей, сизни ҳам кўрадиман кун бор экан-ку?! Отажон, мен сизни шунчалар кўп кутдимки, ҳайрият бор экансиз. Отажоним, меҳрибоним, халоскорим...

Галина ўзини Абдуқодир отанин кучоғига отди ва хўнграб йиғлаб юборди. Абдуқодир ота бир нималар деб унга тасалил бермоқчи бўлар, аммо ўзи ҳам кўз ешларини тиелмасди.

Зум ўтмай Галинанин эри Владимир ҳам машинасида етиб келди. Теълиқда катта дастурхон езилди. Қўни-қўшиллар, қариндош-уруғлар жамул-жам бўлишди. Дедарди тўрт кунгача Галиналарнинг уйидан меҳмонлар аримади.

Ўтган тўрт кун ичида Галинанин болалари етти ешти Сережа ва икки яшар Светланалар Абдуқодир отага ўз болаларидек ўрганиб қолишди. Ота ҳам уларни набираларидек суюб, эркалашни қанда қилмасди. Бир кун Серёжа отанин дўшисини бошига кийди-да онасига сўз қотди:

— Ойи, биз ҳам ўзбекмизми?

— Бўлмасамчи — деди Галина мамнууллик билан бош силтаб. — Ахир бобонг ўзбек бўлганидан кейин биз ҳам ўзбек бўламизда. Бу йил езда ҳаммамиз биргаликда отажонимизнинг уйига — Ўзбекистонинг Чувама деган кишлоғига меҳмонга борамиз.


... Чернобылдан қайтар чоғида Абдуқодир ота Галинага қайта-қайта тайинлади: — Қизим, болаларингни олиб, езда албатта бизникига боргин. Отпускангни ол-у, биз томонга уч, хўпми?! Унгача хат езишни қанда қилма.

Тақдир тақозоси билан ота-бола тутинган бу кишиларнинг ўшанда сўнги бор учралиб туришганлигини ким ҳам ўйлабди, дейсиз.

ОТАНИНГ БЕОРОМ КУНЛАРИ

Абдуқодир ота сафардан қайтиб келгач, ордан бир ойча вақт ўтар-ўтмас Чернобыль АЭСида фалокат рўй берганлиги ҳақида муҳлиш хабарин эшитди, оромини йўқотди. «Ишқилиб Галиналар тинчмикин? Радионинг ҳаммаёқ жойда дейишяптику? Ҳазим бир бориб келмасам кўнглим ўрнига тушмайди чоғи».

Ота ана шундай ҳардам хаел бўлиб турган кунларинг бирини Галинадан хат олди бор ҳаловатини йўқотди қўйди. Галина хатига ўзини қаттиқ касалланиб Витебск шаҳридаги шифохонада етганлигини, эрини атом электр станциясидаги фалокат пайтида ениб кетганлигини маълум қилганди.



Абдул Гани ЖУМА сурати

биз жўнатиб юборганмиз.

Шифохона қорувли Абдуқодир ота билан салом-алик қилар экан ақинин билан бош тебратди:

— Эсизинга, қандай ажойиб шифокор эди-я. Бу ерда қанча одамни ўлимдан қутқараман деб, ўзини кеча-кундуз аямасди. Ҳали жуда еш эди, еш... Галинанинг қабири бу ердан сал четроқдаги қабрстонда. Эшитимсиз, унинг фарзандларини эрининг қариндошлари олиб кетишди. Ана шунчака гаилар. Қани, биродар, юринг, биргаллашиб маркумларни бир зиерат қилиб келайлик бўлмасам.

Езувларга қарай-қарай Галинанинг қабини топишди. Бундан ағтири бир неча ой олдин дийдор кўришиб, тутинган қизининг меҳрига тўймаган Абдуқодир ота қабр олдида тиз чўкканча узоқ ўй суриб қолди. — Галина қизимни базўр топганимда бевақт йўқотдим, — дейди Абдуқодир ота. — Не илож, Парвардирнинг ҳукми шу экан. Энди унинг фарзандларини изламоқдаман. Худо хоҳласа украинлик набираларини излаб топиш учун яна сафарга оғланишни кўзлаб турибман.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ
Наби ЖАЛОЛИДДИН



Сайра Қозиева Бойсун туманида туғилган. Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Турмуш ўртоғи Илҳом Ҳалимов ҳам санъаткор — кларнет чалади. Дилмурод, Бехруз исмли ўғиллари бор. Сайранинг репертуарида 200 дан ортиқ кўшиқ жамланган.

— Сайра, сиз фольклор кўшиқлари билан одамларнинг эътиборига тушган эдингиз, шундайми?

— 1970 йилда “Биз Сурхондареданмиз” деган телекўриқда катнашиб, “Ае духтар” номли тожик халқ дапарини айтиб, кўпчилиكنинг назарига тушдим, деб ўйлайман. Сурхондареда ҳам, бошқа вилоятларда ҳам дарров танишарди мени. Ушанда “Шалоло” халқ ансамбли таркибига чиқиб, лауреат бўлгандим.

— Ҳозир кийимларингизда ўзгаришлар катта. Авваллари сахнага каштали либосларда чиқардингиз, энди эса ята тир-юлтур кийимларда кўряпмиз...

— Тўғри, олинлари тожикча либосларда кўп чиқардим. Кўп йиллар сахнада юриб, бошқа хонандаларнинг кийинишларини кўриб, оврупоча либосларга ҳам қизиқиб қолдим. Лекин уша каштали либослардан воз кечганим йўқ. Биласизми, қандайдир маънода кийим-кечаклар замон билан ҳамжадам. Халқ, томошабин санъаткорнинг кийимларига ҳам алоҳида эътибор беради.

— “Шалоло”, “Бойсун” ансамбллари ҳақида гапирсангиз.

— “Шалоло” 1964 йилдан бери мавжуд. Ансамбль фольклор-этнографик ансамблига айлангунга қадар тилга тушиб улгурган эди. Кейинчалик у “Бойсун” фольклор-этнографик ансамблига айланиб кетди. Лекин айни пайтда “Шалоло” ҳам халқ ансамбли сифатида ишлаяпти. Иштирокчиларимиз эса иккала ансамблга ҳам қатнашапти. “Шалоло”нинг заминда болалар фольклор-этнографик ансамбли (раҳбари Саттор Қурбонов) ҳам ташкил топди. “Шалоло” дунё кезган ансамбль. Польша, Англия, Афғонистонда санъатимизни намойиш қилдик. Москвада бир неча марта бўлди. Алматида ўтказилган “Олтин олма” фестивалида муваффақиятли қатнашганмиз. Ўзбекистонда эса “Шалоло” бормаган ер қолмади десам ҳам бўлади.

— Кўпинча тожикча кўшиқлар айтасиз. Тожикмисиз?

— Ҳа, тожикман.

— Агар малол келмаса, оилангиз ҳақида гапирсангиз.

— Икки фарзандимиз бор, худога шукур. Турмуш ўртоғим санъаткор, доимо енимда. Муваффақиятларимдан хурсанд бўлади, тушкунликка тушган пайтларимда дадда беради. Севиниб турмуш қурганмиз.

— Эракларда қандай фазилатларни кадрлайсиз?

— Гапининг устидан чиқадиган, мағрур эракларни ёктираман.

— Сизнингча, бахт нима ўзи?

— Агар оилани назарда тутадиган бўлсак — эр-хотиннинг бир-бирига суяниб, бамаслаҳат, иноқ яшашлари, иш туташлари энг катта бахт.

— Дугоналарингиз қимлар?

— Доимо сафарда, доимо ижод билан бандман. Дугона учун эса вақт керак, борди-келиди дегандай...

Балки Тошкентда яшаганингизда янада бошқачароқ бўлармиди?

— Энди тилга туша бошлаган пайтларим Тошкентга жўнаб кетганимда яхши бўларди, деб баъзан афсусланаман. Лекин кўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ эмас экан. Бир томондан онамни ташлаб кетолмадим, иккинчидан, кўчиб борсам, уй-жой масаласи нима бўлади деган андиша бор эди.

— Бор-е, кўшиқни, санъатни тугатдим-е, деган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Бўлган шунақа ҳоллар. Лекин онам доим “хаётда бундай майда гаплар кўп бўлади, эътибор берма”, деб ниятимдан қайтарганлар.

— Бизда кексалар санъатни, хусусан аёл санъаткорни ёктиришавермайди. Бундай муносабат сизга оғир ботмайдими?

— Тўғри, бизда — Бойсунда аёл санъаткорнинг сахнага чиқishi қийин. Лекин мен билан фахрланишади. Бойсуннинг қаерига

ҳаракат қиламан.

— Филмларда суратга тушганмисиз? Ёки биронта режиссёр таклиф қилиб қолса, суратга тушиш ниятингиз борми?

— Аслида кўшиқчи бўлиш хаелимда ҳам йўқ эди. Киноактриса бўламан деб юрардим. Агар кўрган бўлсангиз, “Бойсунда қор эриганда”, “Унутилган кўшиқ” телефилмларида суратга тушганман. Яқинда “Шарқ бозори” (кинорежиссёр Холиқ Хурсанов) телефилмида суратга тушдим. Агар бадий филмларда суратга тушишга таклиф қилиб қолишса, жон деб рози бўлардим.

— Қайси рангини, қандай атирни ёктирасиз?

— Рангардан гулобини, атирлардан эса... французларнинг “Нури маги” деган атирини хуш кўраман.

— Асли касбингиз нима?

— Тошкент Давлат маданият институтининг

МЕН БИЛАН ФАХРЛАНИШАДИ

— Афсусланмайсизми?

— Баъзан афсусланаман. Шундай ҳоллар бўладики, агар дугонам бўлганида, дардимни унга айтиб, енгил тоғтаримдим дейман.

— Чет элларга бордингиз. У ерда қандай кутиб олишди? Уларга сизнинг нимангиз ёқди?

— Кийимларингизми?

— Менимча, чет элликларга менинг овозим кўпроқ ёққан. Лекин санъаткорнинг ташки кўриниши ҳам жуда муҳим.

Балки кўшиқларимга мос, ҳамоҳанг ҳаракатларим ёққандир. Афғонистонда сафарда бўлганимизда бир кунда уч мартагача (талабларга биноан) концерт берардик. Ёнимда олти нафар раққоса қиз ҳам бор эди. Ким билади, ушанда халқнинг олқиши кўплигиданми, ҳеч чарчамаганман. Ҳолбуки, бир кунда қўйилган икки соатлик концертдан сўнг одам чарчаб, толиқиб қолади.

Англияга сафарга борганимизда, у ерда яшайдиган бир эронлик аёл билан танишиб қолдим. Концертларимизни бошдан-оёқ роҳатланиб кўрарди. Мендан у кўпинча эронча, афғонча кўшиқлар айтишимни илтимос қиларди. Айниқса, Эрон халқ кўшиқларидан “Ман омадам”ни айтганимда ўриндикдан паства тушиб, ўтирган қуйи йиғлаб эшитарди. Концертдан сўнг эса олдимига келиб, “Сайеражон, оҳанги шумо бисер хушаст, овози шумо бисер мақбуласт, мисли булбул”, дея қучоқлаб, қутлади.

— Кўшиқни ўйнаб ижро этиш мухлисларга нима беради?

— Кўшиқни таякдай қотиб айтса ҳам бўлар. Лекин озгина бўлса-да, кўшиқни англашлари учун ҳаракат билан, рақс билан айтаман.

— Тошкентга келиш ниятингиз йўқми?

бормай, қайси кишлоғи, қайси кўчасига қирмай, яхши тилаклар билдиришади. Ёш-у қари кўшиқларимга қизиқишади.

— Қулиб кўшиқ айтганингизни кўриб кўпинча сизни хушчақчақ аёл деб тасаввур қиламиз. Аслида ҳам шундайми?

— Табиатан хушчақчақман. Гоҳо хушчақчақлигим меъеридан ошиб кетаверса, хўжайиним “Ўзингни жиддий олиб юрган!” деб танбех ҳам берадилар. Шундай пайтларда хафа бўлиб кетаман. “Умр ўлчовли, хурсанд, хушчақчақ ўтказайлик-да, вақтни”, дейман. Ўзига бино қўйиш, манмансираш деган нарсалар менга ёт.

— Сурхондарё Ватанисизнинг қутлуг бир бўлагиди. Унинг ўзига хослиги нимада?

— Келинг, яхшиси, Бойсун ҳақида гапира қолай. Қаёққа бормай, қаерда бўлмай, мени Бойсуннинг суви билан ҳавоси ўзига тортиб туради. Токи ана шу икки нарса бор экан, Бойсун дунеданги жамкики ўлкалардан ортиқ ва зебо бўлиб қолаверади.

— Нимадан кўрқасиз?

— Аввало Худодан кўрқаман. Кейин эса... тез ениб, тез ўчишдан.

— Қайси санъаткорлар кўнглингизга кўпроқ яқин?

Гуғуш — эронлик машҳур хонанда ҳам менинг жони-дилим. Ёшлигимдан бери бир ниятим бор — қачон бўлса-да, Эронга бир борсам, Гуғушни бир кўрсам дейман. Унинг кўшиқларидаги сўзлар, хатти-ҳаракатлари бутун вужудимни жимирлатиб юборарди.

— Кўшиқларингизга мусиқани ким ёзади?

— Фолклор кўшиқларини қайта ишлаб, ўзим эстрадага мослаштираман. Чунки Сурхондареда қуй басталайдиган одамнинг ўзи йўқ. Шунинг учун яхшими, ёмонми, ўзим қуй басталашга

методика бўлимини тугатганман.

Чангда ўқиб, кейин ташлаб кетганман.

— Фақат сиз ҳақингиздаги, сизнинг санъатингиз суратга олинган тасмалар қанча вақтни ташкил этади? Буни шунинг учун сўрашманки, марказда эмас, вилоятда, яна бунинг устига чекка Бойсун туманида яшасангиз-да, санъатингиз билан минглаб одамларга танилдингиз.

— Ижодимга бағишланган телефилмлар 75 минутни ташкил қилади. Яқинда яна 20 минутлиқ телефилми ишлашди. Тошкентда тарғибот-ташвиқот афшаси учун суратга олинди. 1995 йилнинг таквим (календар)и учун ҳам рангли суратга олишди. Бу иккала иш учун Бойсун туман ҳокимлиги ўн миллион сўм ажратди. “Анор” телекўриғида катнашдим.

— Яна қандай ниятларингиз, режаларингиз бор?

— Хали элга ошқор бўлмаган янги кўшиқларим бор, уларни ёздирмоқчиман. Имкон туғилса-ю, хорижга сафар қилсам, хорижлик санъаткорлар билан тажриба алмашсам дейман. Мақомга илҳосим баланд. Лекин хали ҳеч ким менинг мақом айтганимни эшитган эмас. Мақом йўлида айтиб, мухлисларимни хурсанд қилиш ниятим бор.

— Кўшиқ айтиш учун қувватни қаердан оласиз?

— Ким билади, балки бу тугма ҳолатдир. Ёшлигимдан ўзи шундайман. Ҳеч қачон сахнада ўзимни йўқотмаганман. Мухлисларимнинг юз-қўзларига қараб туриб ҳам, қуч-қувват оламан.

Сўхбатдош Махмуд АБУЛҲАЙЗ
Сурхондарё вилояти

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБЎЙ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадаҳон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,
Мухаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИД
(бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул қотиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар
жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар
жамғармасининг “Чинор” илмий ишлаб чиқариш
бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга эзма жавоб қайтармайди. Шунингдек,
фўқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди.
Газетамиздан олинган маълумотлар “Оила ва жамият” дан деб
кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-95

У. Султонов навбатчилик қилди

Обуна индекси -64654

Рўйхатга олиш №33

Буюртма №Г-916. 35044 нусхада чоп этилди.
Газета IBM компьютерда терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6